# ИСЛОҲОТ ҒИЛДИРАГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мисол айтсам. Жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 1754 та хўжалик ширкатга айлантирилди. Шу йилнинг ўтган беш ойи давомида эса 53 та жамоа ширкатга ўтказилди. Бундай хўжаликларда меҳнат асосан оила пудрати шаклида ташкил қилиниб, даромад ва харажатларни алоҳида қайд этиб бориш учун молия-ҳисоб марказларида уларнинг ўз рақамлари очилди. Барча оилавий пудратчилар харажатларини чек усули орқали назорат қиладилар. Ўтган йил якунлари бўйича 1754 та ширкат хўжалигидан 1068 таси йилни 25581,7 миллион сўм фойда билан якунлади. Пайчиларга 1534,7 миллион сўм дивиденд ажратилди. Булар саъй-ҳаракатларимиз натижаси, албатта.

Ислоҳотларни жорий қилишда рўй бераётган баъзи нуқсонлар ҳақида гаплашайлик. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарган хўжаликларга пахта ёғи, шрот, шелуха берилиши лозим. Лекин, шартноманинг бу бандлари бир қанча жойларда тўлиқ бажарилмаяпти. Ёғ-экстракция корхоналари раҳбарлари турли хил баҳоналарни рўкач қилиб, шартномада кўрсатилган маҳсулотларни беришмаяпти.

Баъзи туманларда ислоҳотларни амалга оширишда мутасадди раҳбарлар томонидан юзакичилик, расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Ширкат хўжаликларига айлантириш номига бажариляпти. Натижада деҳқонларнинг ерга, мулкка муносабатларини ўзгартиришга, хўжаликларнинг ички механизмларини такомиллаштиришга эришилмаяпти. Аъзоларга пайчиликнинг туб моҳиятини тушунтириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаган. Одамларга пай эгаси тўғрисидаги гувоҳномалар вақтида тарқатилмаяпти. Масалан, Усмон Юсупов туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги аъзоларига гувоҳномалар берилмаган. Мазкур хўжаликда ва Қарши туманидаги «Истиқбол» хўжалигида мулк шакли ўзгарганлигига қарамасдан ҳар бир бўлимда бошқарувчи, ҳисобчи, гидротехник-механик лавозимлари аввалгидай сақланиб қолинган.

Камчиликларни чек тизимини жорий қилишда ҳам учратиш мумкин. Албатта, ислоҳотларни ўтказишдан мақсад етиштирилаётган маҳсулот таннархини камайтириш ва мўл ҳосил олишдир. Оилавий пудратчилар томонидан қилинадиган харажатлар ҳисоб-китобини олиб бориш учун чек усули жорий қилинган. Хўжаликларнинг молия-ҳисоб марказида ҳар бир пудратчига алоҳида ҳисоб-варақ очилган. Лекин жойларда бу муҳим масалага юзаки ёндашилаётганлиги маълум бўлмоқда. Масалан, Шофрикон туманидаги Ш.Рашидов номли ширкат хўжалигида 540 гектар ғўза ўстирилаётган майдон 370 та пудратчига бўлиб берилган. Хўжаликда ушбу масала ўрганиб кўрилганда, ҳар бир пудратчи учун харажат лимитлари ишлаб чиқилмаганлиги ва бошқа камчиликлар борлиги аниқланди.

Мингбулоқ туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалигининг пудратчиси Малика Элмуродованинг чек дафтарида бу иш наридан-бери юритилаётганлиги маълум бўлди.

**— Биз журналистлар кўп вақт шартнома тузишдаги саводсизлик ҳақида ташвиш билан ёздик. Шартнома — юридик ҳужжат, унда барча банд акс этсин, деган даъватлар кўп айтилди. Энди ўйлаб қарасак, рисоладагидек «қулинг ўргулсин» шартномалар кўпу, уларга амал қилинмаяпти.**

— Иқтисодий ислоҳотларнинг муҳим шартларидан бири пудратчиларнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашдан иборатдир. Шартнома режасини бажарган пудратчиларга пахта ёғи, кунжара, шелуха ва ғалла топшириғини уддалаганларга ҳосилнинг бир қисмини бериш кўзда тутилган. Амалда эса шартноманинг бу бандлари бажарилмаяпти. Масалан, ўтган йили пахта етиштириш режасини уддалаган пудратчиларга ёғнинг 28 фоизи, шелуханинг 34 фоизи ва шротнинг 28 фоизи тарқатилган. Хоразм вилоятида пахтакорлар ёғнинг 15 фоизини, Жиззахда 13 фоизини, Навоий вилоятида эса II фоизини олишган, холос. Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўжакент» ширкат хўжалигида 2000 йилда шартнома топшириғини бажарган пудратчиларга 19 тонна ёғ, 83 тонна шрот ва 62 тонна шелуха берилиши керак эди. Лекин бирор килограмм ҳам маҳсулот тарқатилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Боғот туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 6-бригада пудратчиси Бибижон Муқимова ўтган йили 2,5 гектар ерда ғўза парвариш қилди ва 7560 килограмм пахта топшириб, давлат буюртмасини 101 фоизга бажарди. Лекин пудратчига берилиши лозим бўлган 138 кг ёғ, 672 кг шрот, 394 кг шелухадан бор-йўғи 20 кг ёғ берилган, холос. Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалигининг пудратчиси Ҳусниддин Муҳиддинов 2000 йилда режадан ортиқча етиштирган 5,4 тонна ғаллани шартномага кўра ўзи олиш керак эди. Лекин хўжалик режани бажармаганлиги сабабли пудратчига бир килограмм ҳам буғдой берилмаган. Сирдарё, Тошкент вилоятларидаги аксарият хўжаликларда ҳам пудратчиларга ажратилиши лозим бўлган ёғ, шрот, шелуханинг ҳеч асоссиз равишда 50 фоизи берилиши кўзда тутилмоқда. Бундай ҳоллар шартномаларни обрўсизлантиришга, одамларда ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу билан бирга ислоҳотларни жадаллаштиришга салбий таъсир қилаяпти.

Хўжаликлар билан уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасидаги шартномаларнинг тузилиши ҳамда уларнинг бажарилиши ўрганилганда бу борада ҳам қўпол камчиликлар борлиги аниқланди. Амалдаги қонунларга риоя этмаслик, шартномаларни тузишда эътиборсизлик ҳоллари учрамоқда. «Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти Беруний туманидаги фермер хўжаликларидан 1997-1999 йилларда олинган сут учун 1729 минг сўм, ўтган йили учун эса 2 миллион сўм маблағни жорий йилнинг май ойигача тўламаган. «Қўқонсут» ҳиссадорлик жамияти «Табассум» фермер хўжалигига қабул қилинган сут учун 76 минг сўм, Фурқат туманидаги «Қўқон» ширкат хўжалигига 2700 минг сўм, «Талант» фермер хўжалигига 344 минг сўм, «Томоша» ширкат хўжалигига 278 минг сўмни тўлашни ўз вақтида амалга оширмаган.

Ислоҳотлар натижаси аввало, пудратчиларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла ҳис қилишларига ҳам боғлиқ. Масъулиятни англаган киши ўз ҳуқуқини ҳам билади. Маҳсулот етиштириш бўйича тузилаётган ички шартномаларда пудратчи айби билан режадагидан кам маҳсулот тайёрланса ундан бозор баҳосида ундириб олинади. Лекин афсуски, шартноманинг бу банди ижроси ҳам айрим жойларда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, Қарши туманидаги «Истиқбол» ширкат хўжалигида ўтган йили ғалла бўйича шартномани бажармагани учун пудратчи И.Ҳамидовга 30 минг сўм, О.Жўраевга 10 минг сўм, А.Раҳмоновга 38 минг сўм, Ч.Аллаёровга 28 минг сўм жарима солинди. Аммо уларнинг бирор сўми ҳам ундириб олинмаган.

**— Кечирасиз, пудратчилар шартнома бандларини бажармаганлиги учун шундай чоралар қўллаш ҳақида гап бўлибди. Ўша деҳқонлар олдида ўз сўзини уддаламаган қайта ишлаш корхоналарига бирор жазо қўлланилдими?**

— Афсуски ёғ-мой саноати, мева-сабзавот ва сутни қайта ишлаш корхоналари шартнома бандларига риоя этишда деҳқондан ҳам орқада қоляпти. Ислоҳотларни жорий этишни тезлатиш учун масала узвий ва тўлиқ ҳал этилиши муҳимдир.

Ўрни келганда шартномалар аниқ ишлашига масъул ҳудудий комиссиялар фаолияти ҳақида гапиришга тўғри келади.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга амалий ёрдам бериш мақсадида жойларда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи раислигида тумандаги соҳага тегишли энг нуфузли ташкилотлар раҳбарларидан иборат комиссиялар тузилган. Лекин баъзи комиссиялар ўзларининг ишларини замон талабларига мослай олмаяптилар. Ҳудудий комиссияларнинг кўплари ўзларининг иш режаларини ҳам ишлаб чиқмаганлар, ишлаб чиққанлари ислоҳотлар талабига жавоб бермайди, айримларининг ҳатто низомлари ҳам йўқ.

**— Собиржон Отабекович, суҳбатимиз якунида яна нималарни таъкидлаган бўлардингиз?**

— Аввало амалга ошираётган ишимизнинг моҳиятини ҳамма тушуниши керак. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳалиям шартнома шартларини бажармаслик ҳоллари мавжуд. Бунга чек қўйилиши керак. Қайси корхона, ташкилот бўлишидан қатъий назар, шартнома бажарилмадими, жаримани тўлаши керак. Ана шунда ишга масъулият ошади.

Ислоҳотларни жадаллаштиришнинг энг асосий омилларидан яна бири қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини доимо назорат қилиб бориш зарур. Ана шунда ишда бузилишлар бўлмайди. Шу билан бирга мавжуд қонунларга замон талабларидан келиб чиқиб, ўзгартиришлар киритиш ва зарур бўлса, янгиларини қабул қилиш керак бўлади. Шунда тармоқдаги барча кишиларга ўз фаолиятларини қонун асосида олиб бориш имконияти яратилади. Демак, қонун устуворлиги таъминланади.

**Суҳбатдош: Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, чегараларда божхона назоратини кучайтириш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ўтган олти ой мобайнида божхона тўловларидан ундирилган 52 миллиард сўмдан ортиқ маблағ давлат бюджетига ўтказилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,6 баробар кўпдир.***

Сўнгги йилларда мамлакатимиз йўллари бўйлаб хорижий мамлакатлар автоуловларининг транзит қатнови тобора кўпайиб боряпти. Бундан давлат бюджетига яхшигина даромад олинмоқда. Жумладан, жорий йил бошидан буён автоюкташувчилардан 1,55 миллион АҚШ доллари миқдорида ана шундай маблағ тушди. Ўтган олти ой ичида чегараларимиздан ноқонуний равишда олиб ўтилган ёки божхона қонун-қоидалари бузилган ҳолатлар бўйича ушлаб қолинган товар-моддий бойликларнинг умумий қиймати эса 5,4 миллиард сўмни ташкил этди.

Жорий йилда божхоначилар бир неча бор жуда катта миқдордаги контрабанданинг олдини олишга муваффақ бўлди. Жумладан, шу йил 4 июнда Қорақалпоғистон Республикасидаги "Довудота" божхона масканида И.Бобораҳимов ва М.Норматов бошқараётган "Мерседес-бенц" юк машинаси тўхтатилди. Текширув чоғида машинада баённомада кўрсатилмаган 52.258.000 сўмлик эҳтиёт қисмлар, 46.155.804 сўмлик дори-дармон, жумладан, психотроп модда ҳисобланган 5 қути "карбамазепин" борлиги аниқланди.

Айланма йўллар орқали маҳсулот олиб ўтиш контрабандачиларнинг севимли усулларидан бирига айланган. Бироқ улар бу йўллар ҳам божхоначиларимизнинг ўткир нигоҳидан четда эмаслигини баъзида унутиб қўймоқда. Жорий йилнинг 7 июн куни божхоначилар Тошкент вилоятидаги айланма йўл орқали кетиб бораётган "Мерседес-бенц" русумли автобусни тўхтатди. Текширув чоғида мамлакатимиз фуқаролари М.Мирҳодиева, М.Умарқулова ва Қ.Валиев Хитойда ишлаб чиқарилган умумий нархи салкам 60 миллион сўмлик турли-туман маҳсулотни ноқонуний равишда Қозоғистондан Ўзбекистонга олиб кираётгани маълум бўлди.

Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Дала ва боғларда полиз маҳсулотлари, мева-чева ғарқ пишган. Аксарият оилалар бу пайтда қиш учун мураббо ғамини ейди. Бунинг учун эса, албатта, шакар керак. Бундан ўзларича устамонлик билан фойдаланаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар мамлакатимизда шакар нисбатан арзонлигидан фойдаланиб, уни қўшни давлатларга олиб чиқиб сотиш билан мўмай даромад олиш пайида бўляпти. Божхоначилар бундай устамонларнинг ҳам йўлига ғов қўймоқда. Йил бошидан буён қарийб 184 тонна шакар четга олиб чиқиб кетилаётган пайтда ушлаб қолинди.

Божхона хизмати ходимларининг самарали меҳнати натижаси ўлароқ, ўтган ярим йил ичида мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилаётган ёки олиб чиқиб кетилаётган катта миқдордаги нефт маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, спирт ва спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, рангли металл, тилла буюмлар ушлаб қолинди.

Мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан божхоначиларга ҳам боғлиқ. Юқорида келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, қўмита ходимлари бу вазифани шараф билан адо этмоқда.

**(ЎзА).**



Андижон туманидаги аҳоли зич жойлашган Харабек қишлоғига қурилган тикувчилик фабрикаси бир неча йилдан буён айрим сабабларга кўра ишламай ётган эди. Туман ҳокимлигининг қарори билан корхона тадбиркор Саидаҳрор Икромовга берилди. Саидаҳрор қисқа вақт ичида бу ерда йилига 1000 тонна пахта толасини йигириб ундан 800 тонна тайёр ип-калава, 100 миллион сўмликдан ортиқ трикотаж-тикувчилик маҳсулотлари тайёрлайдиган «Имкон-И» корхонасини ташкил қилди. Айни кунда корхонада 150 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Келгусида корхона кенгайтирилиб, 300 нафар ишчи ўрни ташкил қилиниши режалаштирилмоқда.

**СУРАТДА: ип йигирувчи Дилфуза Соатқулова.**

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# МИКРОКРЕДИТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2000 йилнинг 21 мартидаги Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларида ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологик ҳамда инновация лойиҳаларини кредитлаш мақсадида имтиёзли кредитлаш Жамғармаси ташкил этилди.

Жамғармага ажратилган маблағлар миқдори 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига 7,0 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига келиб улар 10,5 млрд. сўмга етди ва ушбу маблағлар тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоизларда тўлалигича инвестиция лойиҳаларини молиялашга йўналтирилди. Бу эса, тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантиришлари учун кенг имкониятлар яратди.

Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва тижорат банклари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, тадбиркорликни кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга кенг шароит яратиш мақсадида Марказий банк томонидан 2000 йил март ойидан бошлаб тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлашнинг анча соддалаштирилган тартибларини тасдиқлаб, давлат рўйхатидан ўтказиб амалга киритди.

Ушбу тартиблар амалга киритилгандан кейин юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари тижорат банкларидан микрокредит олиш учун фақатгина 2 та ҳужжат, юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектлари эса 3 та ҳужжат тақдим этишлари кифоя қиладиган бўлди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич маблағи ҳамда кредитни қайтариш таъминотига эга бўлмаган тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида кредит қайтарилишини таъминоти сифатида тадбиркор яшаётган маҳалла қўмитасининг кафиллигини тақдим этиш амалиётга жорий этилди. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан мазкур кредит ҳисобига сотиб олаётган ускуналар ва бошқа мулклар улар қийматининг 80 фоизи миқдорида мазкур кредит таъминоти учун гаров сифатида олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг кредит ажратишни сўраб тижорат банкларига қилган аризаларнинг банклар томонидан кўриб чиқилиш муддати якка тадбиркорлар аризалари бўйича 5 иш куни ва юридик мақомига эга кичик бизнес субъектлари учун 10 иш куни қилиб белгилаб қўйилди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли "Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши муҳим омил бўлди. Мазкур қарорда 2000 йилнинг 1 июлигача Тошкент вилоятидаги камида 100 фермер хўжалигининг ҳар бирига 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорда чет эл валютасида ёки миллий валютада микрокредитлар ажратилиши белгилаб қўйилган эди. Ушбу қарор ижросини таъминлаб бориб "Пахтабанк" томонидан шу даврда Тошкент вилоятида фаолият кўрсатувчи 394 та деҳқон ва фермер хўжаликларига деҳқончилик ва чорвачиликни, иссиқхоналар ва миницехлар қуриш, минитехника ва ускуналар сотиб олиш учун 481,8 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратди. Умуман 2000 йил давомида "Пахтабанк" фақат Тошкент вилоятидаги 605 тадбиркор ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли шартларда жами 720,8 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратди.

Тошкент вилоятида орттирилган тажрибани бошқа вилоятларда ҳам кенг қўллаш натижасида 2000 йилнинг ўзида "Пахтабанк" томонидан 4447 та якка тадбиркор, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнеснинг бошқа субъектлари 4,5 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Шу жумладан, Фарғона вилоятидаги 813 та тадбиркорга 658,7 млн.сўм, Андижон вилоятидаги 572 та тадбиркорга 555,5 млн. сўм, Қашқадарё вилоятидаги 552 та тадбиркорга 593,6 млн. сўм, Бухоро вилоятидаги 387 тадбиркорга 444,2 млн. сўм, Қорақалпоғистон Республикасидаги 418 тадбиркорга 416,4 млн. сўм, Наманган вилоятидаги 472 тадбиркорга 390 млн. сўм миқдорда микрокредитлар берилди. Мазкур қарор ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб 2001 йил 1 июл ҳолатига "Пахтабанк" томонидан молиялаштирилган лойиҳалар сони 6188 тага ва ажратилган микрокредитлар миқдори 6,4 млрд. сўмга етказилди. Ушбу микрокредитлар ҳисобига 6784та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Бошқа банкларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 2000 йилда 12092 та тадбиркорга жами 12,4 миллиард сўм миқдорида микрокредит берилди. Жорий йилнинг олти ойида эса бу кўрсаткич 19,7 миллиард сўмни ташкил этди ва бу маблағлар ҳисобига 17748 та тадбиркорнинг навестицион лойиҳалари молиялаштирилди.

Келинг, микрокредитдан баҳраманд бўлган айрим тадбиркорлар эришган натижаларга бир назар ташлайлик.

"Савдогарбанк"нинг Тошкент вилояти Келес бўлими томонидан "АХ-BI" масъулияти чекланган жамиятга 2000 йил сентябр ойида пахта титиш цехини ишга тушириш учун 2,5 млн.сўм миқдорда микрокредит берган. Натижада 12 ишчи ўрни яратилиб қисқа муддатда, яъни жорий йилнинг 1 июлигача 22 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг бир қисмини Россия Федерациясига экспорт қилган.

"Ғаллабанк"нинг Хоразм вилояти бўлими томонидан Урганч туманида жойлашган "Ипак" ишлаб чиқариш фирмасига ипакдан ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратган 3 млн. сўм миқдордаги кредит ҳисобига хом ипакни қайта ишлайдиган цех ишга туширилган ва 37 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланган. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 39,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

"Тадбиркорбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси томонидан 2001 йил апрел ойида "Уйчи" хусусий фирмасига 3,0 млн. сўм миқдорда микрокредитни тикувчилик цехи ташкил этиш учун берилган. Ушбу сармоя ҳисобидан ҳозирги кунга келиб 20 та янги ишчи ўринлари ташкил этилган ва ўтган икки ойда 1,9 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган.

Шу билан бирга тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорларга кредит ажратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Масалан, "Саноатқурилишбанк" томонидан Муборак туманидаги якка тартибдаги тадбиркор Б.Абдиназаровга макарон ишлаб чиқариш дастгоҳи ва ун сотиб олиш учун 700 минг сўм миқдорда микрокредит берган. Натижада ушбу тадбиркор ҳозирга қадар 3,7 млн. сўмлик макарон ишлаб чиқариб Муборак тумани аҳолисига сотган, шундан 1070 минг сўм нақд пулга макарон сотиб, тушган нақд пул тушумини банк кассасига топширган.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд вилояти бўлими томонидан якка тадбиркор З. Нарзиқуловага пахта титиш ускунасини сотиб олиш учун 1,4 млн. сўм миқдорида микрокредит берилган бўлиб, ҳозирги кунда мазкур тадбиркор томонидан пахта титиш цехи ишга туширилган.

Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Бугунги кунга келиб мамлакатда якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа иштирокчиларини молиявий қўллаб-қувватлашда хусусий банкларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ҳозирда республикада ташкил этилган банкларнинг 50 фоизини хусусий сармоя иштирокида ташкил этилган банклар ташкил этмоқда. Табиийки, хусусий мулк асосида банкларни ташкил этилиши ўз навбатида кредит, ҳисоб-китоб ва банк хизматлари бозорида кенг маънода соғлом рақобат муносабатлари шаклланиб бораётганлигидан ва банклар томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари сифати жиҳатдан янги босқичга ўтганлигидан далолат беради.

Хусусий банклар томонидан бугунги кунда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш ва уларга сифатли банк хизматларини кўрсатишда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган микрокредитлар миқдори 6978,4 млн. сўмни ташкил этди.

Жумладан, "Туркистон" хусусий банки томонидан Тошкент шаҳридаги "Ҳамидов" хусусий фирмасига 2,5 млн. сўм миқдоридаги ажратилган микрокредит ҳисобига терини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Ажратилган кредит ҳисобига 7 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, бугунги кунда фирма томонидан 41,2 млн. сўм миқдорида чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

"Алп Жамол" хусусий банки томонидан якка тадбиркор Р. Рўзматовга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун 1,6 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратилган. Тадбиркор томонидан ажратилган кредитдан самарали фойдаланиш натижасида 0,7 млн. сўм соф фойда кўрилиб, олинган кредит муддатидан олдин банкка қайтарилган.

Самарқанд шаҳрида жойлашган "Парвина" хусусий банки томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига 1639 млн. сўм микрокредит ажратилган. Масалан, "Милениум" савдо ишлаб чиқариш фирмасига ажратилган 2,5 млн. сўмлик микрокредит ҳисобига фирма томонидан қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва жорий йилнинг 1 чораги давомида 4,2 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Фирма томонидан 11 та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, 5 млн. сўм миқдорида соф фойда олишга эришилган.

"Парвинабанк" томонидан якка тадбиркор У.Ҳамроевга мармар плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1650 минг сўм миқдорда имтиёзли микрокредит ажратилган. 2001 йилнинг 1-ярмида ушбу якка тадбиркор томонидан 2,5 млн сўмлик мармар плиталар ишлаб чиқарилган ва 300 минг сўм миқдорда соф фойда қўлга киритилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида республикамизнинг чекка ва меҳнатга яроқли аҳоли кўп туманларида қўшма корхоналарнинг ташкил этилишини таъминлаш ҳамда хорижий кредит линиялари сармояларини ўзлаштиришга кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлимларида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилиб, улар орқали тадбиркорларга лойиҳаларни танлашда маркетинг, инжиниринг ва консалтинг хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилиб, кредит линияларини ўзлаштиришга кўмак бериб келинмоқда.

Кейинги йиллар давомида мамлакатда амал қилаётган банклар сони тобора ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида банклар ўртасида мижозларни ўзларига жалб этиш борасидаги рақобатни кучайишига олиб келмоқда. Бу ҳолат тижорат банклари томонидан ўз филиалларини кўпайтиришга интилиш, тобора кўпроқ мини-банклар, жамғарма шохобчаларини кўпайтиришга интилишда кўзга ташланмоқда. Бугунги кунга келиб республикада 870 дан ортиқ тижорат банклар филиаллари, 300 дан кўпроқ мини-банклар, 4800та жамғарма шохобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, юқорида баён этилган масалалар асосан микрокредитлар ҳақида бўлиб, бу умуман кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашдек катта ишнинг кичик қисми, холос. Мамлакатимиз тижорат банклари замон қўяётган талабларни ҳисобга олиб, бундан буён ҳам кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг юқори технологик инвестицион лойиҳаларини молиялашга ўзларининг ҳиссаларини қўшаверадилар.

**Ш. ЖАББОРОВ ёзиб олди.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 17 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 199,65 |
| 1 Австрия шиллинги | 24,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 549,76 |
| 10 Бельгия франки | 83,13 |
| 1 Голландия гульдени | 152,18 |
| 10 Греция драхмаси | 9,85 |
| 1 Дания кронаси | 45,08 |
| 1 БАА дирхами | 106,81 |
| 1 АҚШ доллари | 392,32 |
| 1 Миср фунти | 99,61 |
| 10 Испания песети | 20,16 |
| 100 Италия лираси | 17,32 |
| 1 Канада доллари | 255,17 |
| 1 Хитой юани | 47,40 |
| 10 Люксембург франки | 83,13 |
| 1 Малайзия ринггити | 103,26 |
| 1 Германия маркаси | 171,46 |
| 1 Польша злотийси | 92,35 |
| 1 СДР | 489,85 |
| 1000 Туркия лираси | 0,30 |
| 1 Финляндия маркаси | 56,40 |
| 1 Франция франки | 51,12 |
| 1 Швейцария франки | 221,84 |
| 1 ЕВРО | 335,36 |
| 10 Жанубий Корея вони | 3,00 |
| 10 Япония иенаси | 31,41 |
| 1 Россия рубли | 13,44 |
| 1 Украина гривнаси | 73,03 |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

